

Олма кўчатлари ва дарахтларини буташ ҳамда уларга шакл бериш

Кучли ва ўрта ўсувчи пайвандтагларга уланган олма дарахтларига шакл беришнинг асосий тартиби – бу ярусли (каватли) қилиб шакллантиришдир. Тўла шакл берилган мева дарахтлари биринчи каватда 3-4 дона асосий шохга эга бўлиши керак. Уларни шакллантириш билан бир қаторда иккинчи ва учинчи кават шохлари ҳам қолдирилади. Иккинчи каватнинг биринчи шох асосий шохлардан 30-40 см, иккинчи шох биринчи шохдан 25-30 см масофада қолдирилади. Учинчи кават шохлари ҳам шу тартибда қолдирилади.

Уч-тўрт йил шакл берилган ёш дарахтларни кўп буташ тавсия этилмайди. Чунки бу уларни ўсишини кучайтириб, ҳосил беришини кечиктириб юборади.

Олма дарахтига тўлиқ ҳосилга киргунга қадар шохларини ўргача қисқартириб ҳамда сийраклаштирилган шакл берилди. Бунда бир-бирига соя ва ҳалакит берадиган ҳамма шох ва новдалар олиб ташланиб, дарахт шох-шаббаси маромида сийраклаштирилади.

Дарахтлар тўла ҳосил бера бошлаганидан кейин унинг ўсишини ва ҳосилдорлигини сақлаб туриш учун меъёрида буталади. Бунда фақат майда шох-шаббасини қалинлаштириб юбориши мумкин бўлган новдалар ва бачкилар олиб ташланади, баъзи янгидан ўсиб чиққан узун новдаларни, ҳосил шохига айланттириш учун қисқартирилади. Ҳаддан ташқари йирик шохлар уларни бошқа шохларига тенглаштириш учун қисқартириб буталади.

Дарахт ҳосил қилмайдиган йилда буташ системаси куйидагича амалга оширилади: шу йили ўсиб чиққан новдалар кўпроқ қалталаштирилади, ҳалқасимон мева шохлари сийраклаштирилиб, мураккаб ҳалқасимон новдалар қалталаштирилади. Натижада бир йиллик новдаларнинг ўсиши тезлашади, ҳосил куртакларининг шаклланиши сустлашади. Дарахт ҳосил берган йили буталмаган бўлса, бу ишни ҳосил берган йили қилиш керак. Ҳосил куртакларини кўплаб шакллантириш учун ўсган бир йиллик новдалар қисқартирилади.



Олма туپларига шакл бериш жараёни



Тўғри кесилган олма новдаси



Р.Разақованинг ўз томорқасида олма дарахтларига лидерсиз шакл бериш усули (Хоразм вил., Хонқа тум.)



Олма дарахтларига сийрак ярусли (қаватли) шакл бериш

(Сурхондарё вил., Термиз тум., Солиобод қиш.)



М.Зокиров олма боғида кўп танали шакл бериш (Фарғона вил., Қува тум., Муस्ताқиллик шаҳ.)



Олмага паст танали шакл бериш (Тошкент вил., Тошкент тум.)



Лойиҳа доирасида ёш селекционерларга олма дарахти биологияси бўйича дала машғулотини (Фарғона вил., Қува тум., Мезон қиш.)

Кўчат ва дарахтларни буташда ишлатиладиган асбоб ва анжомлар



Лойиҳа Миллий Агентлиги: Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси
Телефон: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82; **Факс:** (+99871) 220-26-48
Электрон почта: buviti@mail.ru, meva-uzum@exat.uz
Тузувчилар: Х.Ч.Бўриев, Ш.М.Ахмедов, П.Т.Назаров. А.Қ.Қайимов умумий тахрири остида.